



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING QARORI

2023 yil « 18 » avgust

№ ПҚ–281

Балиқчилик хўжалиги эҳтиёжлари учун сув ҳавзаларидан фойдаланиш тартибини такомиллаштириш ҳамда балиқ овлаш ва сув бўйи туризми масканларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Балиқчилик тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш, табиий ва сунъий сув ҳавзаларидан оқилона фойдаланиш, балиқ етиштиришнинг илмий асосланган усуллари ва интенсив технологияларини жорий этиш, мавжуд ҳавзалар имкониятларидан самарали фойдаланиш, шунингдек, табиий ва сунъий сув ҳавзаларини электрон онлайн аукцион орқали шаффоф ва бозор тамойилларига асосланган ҳолда реализация қилиш тартибини жорий этиш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2023 йил 1 октябрдан бошлаб қуйидагилар тадбиркорлик субъектларига “E-auksion” электрон савдо платформасида электрон онлайн аукцион орқали ижарага берилади:

давлатга тегишли табиий ва сунъий сув ҳавзалари (сув омборлари) – **балиқни саноат усулида етиштириш, овлаш** ва қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мақсадлар учун;

табиий ва сунъий сув ҳавзалари (сув омборлари) ҳамда дарё атрофидаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкалари – сув бўйида пляж зоналарини ташкил этиш, спорт-ишқибозлик туридаги балиқ овлаш, балиқ ови, қайиқда сузиш ва сув саёҳати бўйича хизматлар кўрсатиш, балиқ маҳсулотлари, шу жумладан балиқ таомлари савдоси, умумий овқатланиш ва бошқа туризм хизматларини ташкил этиш ҳамда ушбу мақсадларда енгил конструкцияли қурилмаларни (ўтов лагерлари мажмуаси, контейнерларни) жойлаштириш учун.

Бунда, мазкур бандда белгиланган талаблар ижара шартномаларининг амал қилиш муддати тугамаган табиий ва сунъий сув ҳавзаларига (сув омборларига) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 февралдаги “Айдар-арнасой кўллар тизими бошқарувини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–141-сон қарори билан бошқаруви такомиллаштирилган **Айдар-Арнасой кўллар тизимига нисбатан татбиқ этилмайди.**

2. “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси (кейинги ўринларда – Уюшма) икки ҳафта муддатда унга танҳо фойдаланишга берилган репродуктив аҳамияти паст ва доимий ихтиофаунага эга бўлмаган **табиий сув ҳавзаларини 1-иловага мувофиқ** Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимидаги ташкилотларга улардан самарали фойдаланиш учун топширсин.

3. Қуйидагилар:

2023–2024 йилларда балиқ овлаш ва сув бўйи туризми масканлари ташкил этиладиган ўрмон фонди ерлари рўйхати 2-иловага мувофиқ;

2023–2024 йилларда балиқни саноат усулида етиштириш, овлаш ва сув бўйи туризми масканлари ташкил этиладиган сув омборлари рўйхати 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги Сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда мазкур қарорга **2–3-иловаларда** белгиланган ҳудудларда **балиқ етиштириш, овлаш ва сув бўйи туризми масканларини** барпо қилиш учун қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини лотларга бўлган ҳолда электрон онлайн аукцион орқали савдоларга чиқариб боришни ташкил этсин.

4. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги балиқ овлаш ва сув бўйи туризми масканларини оммалаштириш ва сайёҳлар оқимини йўлга қўйиш мақсадида янги ишга туширилган объектлар тўғрисидаги маълумотларни ижтимоий тармоқлар, интернет саҳифаларига жойлаштирсин ва туроператорларга етказсин.

5. Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда давлатга тегишли сув ҳавзаларини тадбиркорлик субъектларига “E-auksion” электрон савдо платформаси орқали ижарага бериш тартибини тасдиқласин. Бунда:

Уюшмага танҳо фойдаланишга берилган **табиий сув ҳавзаларини ижарага беришдан** тушган маблағларнинг **50 фоизини** Экология жамғармасига, **40 фоизини** Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасига, **10 фоизини** Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказига;

Уюшмага танҳо фойдаланишга берилган **сунъий сув ҳавзаларини (сув омборлари) ижарага беришдан** тушган маблағларнинг **90 фоизини** Балиқчиликни ривожлантириш жамғармасига, **10 фоизини** Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказига;

балиқни саноат усулида етиштириш ва овлаш мақсадларидан бошқа мақсадларда табиий сув ҳавзалари ижарага берилганда, ижарадан тушган маблағларнинг **90 фоизини** Экология жамғармасига, **10 фоизини** Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳузуридаги Давлат мулки объектларидан самарали фойдаланиш марказига йўналтириш назарда тутилсин.

6. Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Сув хўжалиги вазирлиги Кадастр агентлиги билан биргаликда **2024 йил 1 мартга қадар** табиий (кўллар) ва сунъий (сув омборлари) сув ҳавзаларини хатловдан ўтказиб, белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин ҳамда улардан самарали фойдаланиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Қуйидагиларга:

Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан Уюшма фаолиятининг жорий харажатларини молиялаштириш ҳамда ходимларга **иш ҳақи тўлаш ва уларни моддий рағбатлантиришга;**

Ветеринария хизмати ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан балиқчилик соҳасида семинар ва тренингларни ташкил этиш, Уюшма ходимларининг хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни **қоплаш ва уларни моддий рағбатлантиришга рухсат берилсин.**

8. Қуйидагилар:

2024 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда балиқ етиштиришнинг прогноз параметрлари **4-иловага** мувофиқ;

2024 йилда сунъий сув ҳавзаларини интенсивлаштириш бўйича прогноз параметрлар **5-иловага** мувофиқ;

2024 йилда аҳоли хонадонларида интенсив усулда балиқ етиштиришни йўлга қўйиш бўйича прогноз параметрлар **6-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

9. Белгилансинки, **2024 йил 1 январдан “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури** доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига балиқчилик лойиҳаларини амалга ошириш учун **50 миллион сўмгача** гаровсиз кредит ажратилади.

Сув хўжалиги вазирлиги **“Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури** доирасида балиқчилик лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида, балиқчилик билан шуғулланувчи оилаларни сув билан таъминлаш чораларини кўрсин.

10. Ушбу қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ҳокимлари, қишлоқ хўжалиги вазири А.Б. Воитов, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазири А.А. Абдухакимов ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси раиси Б.Т. Норқобилов белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

**“Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси томонидан Экология, атроф-муҳитни
муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги тизимидаги
ташкilotларга топшириладиган табиий сув ҳавзалари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Туман номи	Табиий сув ҳавзаси номи	Майдони (гектар)
Республика бўйича жами: 186 та			6 898
Қорақалпоғистон Республикаси			
1	Амударё	“Сай” кўли	81,8
2	Амударё	“Отожанбой-1” кўли	31
3	Амударё	“Отожонбой-2” кўли	29,3
4	Амударё	“Агрокўл” кўли	7,48
5	Амударё	“Туздок” кўли	8,3
6	Амударё	“Шарсапа” кўли	8,2
7	Беруний	“Зариб қара” кўли	5,3
8	Беруний	“Акчам” кўли	23,1
9	Беруний	“Чўтир” кўли	3,6
10	Беруний	“8-контур” кўли	0
11	Беруний	“17-контур” кўли	1
12	Беруний	“80,82-контур” кўли	3,1
13	Бўзатов	“Палуш-Шаудир” кўли	0
14	Бўзатов	“Кутанкўл” кўли	52,2
15	Кегейли	“Қора-ой” кўли	3,2
16	Кегейли	“Ақтуба” кўли	55,6
17	Кегейли	“Бексик” кўли	4,1
18	Кегейли	“Кокшиел” кўли	13,5
19	Қораўзак	“Аэропорт” кўли	0
20	Қораўзак	“Бугежейли” кўли	0
21	Қораўзак	“Сарикўл” кўли	13,6
22	Қораўзак	“Ерназар терек ашшикўл” кўли	26,6
23	Қораўзак	“Ийшан-ой” кўли	29,8
24	Қораўзак	“Бес” кўли	6,3
25	Қораўзак	“Ораз Аталиқ” кўли	22,2
26	Қўнғирот	“Марал-Машин кеткен-Балтакеткен, Сашка” кўли	299
27	Қўнғирот	“Коптин” кўли	68
28	Қонликўл	“Есберген” кўли	0
29	Мўйноқ	“Карамуш” кўли	220,1
30	Мўйноқ	“Закир” кўли	330
31	Мўйноқ	“Атай сай” кўли	150
32	Мўйноқ	“Шатик 2, Ашшикўл 3, Кендирли” кўли	149
33	Мўйноқ	“Жаунгир” кўли	29,4
34	Мўйноқ	“Киши Жонсиз” кўли	0

35	Мўйноқ	“Қара мулла” кўли	0
36	Мўйноқ	“Қизил кема” кўли	1,78
37	Мўйноқ	“Арқа мақпал” кўли	35,4
38	Мўйноқ	“Узинқайир” кўли	5
39	Мўйноқ	“Арка Аббаз-Карамуш” кўли	50,6
40	Мўйноқ	“Кирмизи-Катинкеткен” кўли	20,1
41	Мўйноқ	“Киши ашши” кўли	45,6
42	Мўйноқ	“Орда” кўли	51,2
43	Мўйноқ	“Ақшоки” кўли	56,4
44	Мўйноқ	“Акпеткей системаси Ашшикўл” кўли	103,1
45	Мўйноқ	“Куат-ирза” кўли	62,1
46	Мўйноқ	“Киши Мақпал” кўли	69,2
47	Нукус	“Кудияр” кўли	8,4
48	Нукус	“Гунжили” кўли	9,4
49	Тахиатош	“Найман” кўли	19,2
50	Тахиатош	“Азатлик” кўли	2,5
51	Тахтакўпир	“Космолла” кўли	151,9
52	Тахтакўпир	“Жанғанша” кўли	145
53	Тахтакўпир	“Шўр” кўли	39,1
54	Тахтакўпир	“Костобе” кўли	91,4
55	Тахтакўпир	“Аксага” кўли	92,4
56	Тахтакўпир	“Дауран кос” кўли	24,6
57	Тахтакўпир	“Коржик” кўли	73,3
58	Тахтакўпир	“Ешки олген” кўли	24,1
59	Тахтакўпир	“Атакўл” кўли	84,1
60	Тахтакўпир	“Душшибас” кўли	65,9
61	Тахтакўпир	“Шойинбек” кўли	92,4
62	Тахтакўпир	“Жанақазған 3” кўли	78,5
63	Тахтакўпир	“Козден бармас” кўли	53
64	Тахтакўпир	“Кўскўл” кўли	49,3
65	Тахтакўпир	“Айбек” кўли	62,5
66	Тўрткўл	“Куксу Лоток яб Контур” кўли	10
67	Тўрткўл	“Айдинкўл” кўли	10,1
68	Тўрткўл	“Шоркўл” кўли	16,9
69	Тўрткўл	“Араб” кўли	6,6
70	Тўрткўл	“Крепост 1” кўли	18,8
71	Тўрткўл	“Эрэзқалъа” кўли	6,8
72	Тўрткўл	“Лотоқяб куксу” кўли	15
73	Тўрткўл	“Кака” кўли	20,5
74	Тўрткўл	“Кўкча шимоли” кўли	15,7
75	Тўрткўл	“Водоем Тўрткўл” кўли	19,5
76	Тўрткўл	“Бозор қалъа” кўли	9,9
77	Тўрткўл	“Қумбоскан” кўли	25
78	Тўрткўл	“Сук” кўли	85,6
79	Тўрткўл	“Ўрдак” кўли	19,2
80	Тўрткўл	“Кукча-жанубий” кўли	37
81	Тўрткўл	“Кўкча ғарбий” кўли	12,3
82	Тўрткўл	“Нап” кўли	47

83	Тўрткўл	“Қодир” кўли	12,5
84	Тўрткўл	“Одина бобо” кўли	9,46
85	Тўрткўл	“Қизилқум” кўли	4,5
86	Хўжайли	“Туба 1” кўли	17,6
87	Хўжайли	“Туба 2” кўли	9,6
88	Хўжайли	“Терен сай” кўли	5,4
89	Хўжайли	“Хожели контур” кўли	2,8
90	Шуманай	“2878-а-сон контур” кўли	1,4
91	Шуманай	“306-контур” кўли	8,1
92	Шуманай	“Реимбек кеткен” кўли	3,2
93	Шуманай	“2555-2587 контур” кўли	9
94	Шуманай	“2133-сонли контур” кўли	2,5
95	Элликқалъа	“Кўкча-1” кўли	30,5
96	Элликқалъа	“Нухр” кўли	6,4
97	Элликқалъа	“Қувтобе” кўли	98
98	Элликқалъа	“Қирқ қиз” кўли	45
99	Элликқалъа	“Баймурат” кўли	15,2
100	Элликқалъа	“Қилчиноқ 1-бўлим” кўли	3,2
101	Элликқалъа	“1704 контур” кўли	9
102	Элликқалъа	“Чакан-1” кўли	22,5
103	Элликқалъа	“Чакан-2” кўли	14
104	Элликқалъа	“Шайтон” кўли	6,8
105	Элликқалъа	“Зиёвиддин” кўли	25,7
106	Элликқалъа	“Бўстон” кўли	69,4
107	Элликқалъа	“Шўр” кўли	24,7
108	Элликқалъа	“Қушбурун” кўли	28
109	Элликқалъа	“Аппақ” кўли	42,7
110	Элликқалъа	“Сори хўжа” кўли	11,9
111	Элликқалъа	“Уйсаланг” кўли	44,41
112	Элликқалъа	“Сарабий” кўли	30,2
113	Элликқалъа	“441 контур” кўли	2,1
114	Элликқалъа	“301 контур” кўли	2,8
115	Элликқалъа	“Жинган” кўли	3,9
116	Элликқалъа	“Чаланг” кўли	1,6
117	Элликқалъа	“Даша” кўли	30,8
118	Элликқалъа	“Уйсаланг-2” кўли	50,4
119	Элликқалъа	“Бақберген” кўли	68
120	Элликқалъа	“Думанқалъа” кўли	27,5
120	Жами		4 519
Қашқадарё вилояти			
1	Миришкор	“Алан кўл 1 контур” кўли	70
2	Миришкор	“Алан кўл 2 контур” кўли	30
3	Китоб	“Сапарчасой” кўли	15,6
4	Китоб	“Шўробсой” сув обори	5
5	Яккабоғ	“Қизилсув” сув омбори	60,4
6	Яккабоғ	“Янгиқўрғон” сув омбори	53
7	Яккабоғ	“Қорабоғ” сув омбори	80
8	Яккабоғ	“Нуғайли” сув омбори	58

9	Шаҳрисабз	“Тошлоқсой” сув омбори	6,5
9	Жами		378,5
Самарқанд вилояти			
1	Пайариқ	“Шўркўл” кўли	16
1	Жами		16
Сурхондарё вилояти			
1	Бойсун	“Конбешбулоқ” кўли	41
2	Жарқўрғон	“Каттақум” кўли	9,78
3	Термиз	“Асфальт бетон заводи” кўли	37,6
4	Термиз	“Сапаев” кўли	12,2
4	Жами		100,6
Тошкент вилояти			
1	Паркент	“Хўжакўл” кўли	17,4
2	Бекобод	номсиз кўл	45,9
3	Бекобод	“Қўш” кўли	60,3
4	Бекобод	“Янги” кўли	51,3
5	Бекобод	номсиз кўл	35,4
6	Бекобод	номсиз кўл	72,9
7	Бекобод	номсиз кўл	2,4
8	Бекобод	номсиз кўл	3,7
9	Бекобод	номсиз кўл	1,15
10	Бекобод	номсиз кўл	35,4
10	Жами		325,9
Хоразм вилояти			
1	Боғот	“Зей” кўли	15
2	Боғот	“Ўрмончи” кўли	5,9
3	Боғот	“Хўжалик” кўли	4,6
4	Қўшкўпир	“Дузлаккўл” кўли	58,4
5	Қўшкўпир	“А.Қурбонов ҳудудидаги 1220, 1221 контур” кўли	20,4
6	Қўшкўпир	“Тошкент ҳудудидаги 356к контур, 1-участка” кўли	14,5
7	Қўшкўпир	“Тошкент ҳудудидаги 356к контур, 2-участка” кўли	14,7
8	Қўшкўпир	“Узун сув” кўли	71,8
9	Қўшкўпир	“И.Ибрагимов ҳудудидаги 151к контур” кўли	92
10	Қўшкўпир	“Шўркўл” кўли	47,3
11	Қўшкўпир	“Тошкент ҳудудидаги 356к контур, 3-участка” кўли	20,1
12	Қўшкўпир	“Охунбобоев ҳудудидаги 310 контур” кўли	3,6
13	Қўшкўпир	Бакмад кўли	79,7
14	Қўшкўпир	“Чегара” кўли	40,7
15	Шовот	“Бўстон” кўли	94,8
16	Тупроққалъа	“От ботган” кўли	78,3
17	Тупроққалъа	“Аэропорт” кўли	18,1
18	Тупроққалъа	“Чегара” кўли	39,4

19	Тупроққалъа	“Кўк дамба -1” кўли	26,1
20	Тупроққалъа	“От ботган” кўли	76,5
21	Тупроққалъа	“Саримой” кўли	43,9
22	Тупроққалъа	“Кўк дамба” кўли	15,2
23	Тупроққалъа	номсиз кўл	28
24	Тупроққалъа	“Уч ўчоқ” кўли	4,4
25	Тупроққалъа	номсиз кўл	12
26	Тупроққалъа	“Дарё ости” кўли	5,9
27	Тупроққалъа	“Чегара” кўли	18,1
28	Ҳазорасп	“Шўркўл-1” кўли	41
29	Ҳазорасп	“Дунук” кўли	74,14
30	Ҳазорасп	“Узун” кўли	61,1
31	Ҳазорасп	“Овшар-2” кўли	6,8
32	Ҳазорасп	“Саноат” кўли	7,1
33	Ҳазорасп	“Мухомон” кўли	1,5
34	Ҳазорасп	“Дунук кўл 10” кўли	87,2
35	Ҳазорасп	“Овшар-1” кўли	5,4
36	Ҳазорасп	“Шўркўл-2” кўли	6,8
37	Ҳазорасп	“Проток” кўли	33,2
38	Хива	“Карп” кўли	65,9
39	Хива	“Ирдимизон” кўли	28,2
40	Хива	“Кўрк” кўли	64,6
41	Хива	номсиз кўл	70,2
42	Янгиариқ	“Шўркўл” кўли	55,5
42	Жами		1 558

Изоҳ: мазкур рўйхатга “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси билан келишилган ҳолда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ўзгартириш киритилиши мумкин.

**2023–2024 йилларда балиқ овлаш ва сув бўйи туризми масканлари
ташкил этиладиган ўрмон фонди ерлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Дарё номи	Худудлар номи	Туман (шаҳар)	Ўрмон хўжалиги номи
1.	Сирдарё	Фарғона вилояти	Данғара тумани	Қўқон давлат ўрмон хўжалиги
2.		Тошкент вилояти	Бекобод тумани	Бекобод давлат ўрмон хўжалиги
3.			Бекобод тумани	Далварзин давлат ўрмон-ов хўжалиги
4.			Сирдарё тумани	Қолгансир давлат ўрмон-ов хўжалиги
5.		Гулистон тумани	Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги	
6.	Амударё	Бухоро вилояти	Қоракўл тумани	Қоракўл давлат ўрмон-ов хўжалиги
7.			Ромитан тумани	Қизилқум давлат ихтисослашган ўрмон хўжалиги
8.		Хоразм вилояти	Тупроққалъа тумани	Хоразм давлат ўрмон хўжалиги
9.				Хоразм давлат ўрмон-ов хўжалиги
10.		Қорақалпоғистон Республикаси	Беруний тумани	Беруний давлат ўрмон хўжалиги
11.			Амударё тумани	Қипчоқ давлат ўрмон хўжалиги
12.	Сурхондарё	Сурхондарё вилояти	Жарқўрғон тумани	Сурхондарё давлат ўрмон хўжалиги
13.			Узун тумани	Боботоғ давлат ўрмон хўжалиги
14.	Қашқадарё	Қашқадарё вилояти	Китоб тумани	Китоб давлат ўрмон хўжалиги
15.	Зарафшон	Навоий вилояти	Кармана тумани	Навоий давлат ўрмон хўжалиги
16.			Хатирчи тумани	Хатирчи давлат ўрмон хўжалиги
17.		Самарқанд вилояти	Жомбой тумани	Самарқанд давлат ўрмон хўжалиги
18.				Жомбой давлат ўрмон хўжалиги
19.	Чирчиқ	Тошкент вилояти	Қибрай тумани	Саксонота давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхонаси
20.			Янгийўл тумани	Тошкент давлат ўрмон хўжалиги
21.			Қуйи Чирчиқ тумани	Қуйи Чирчиқ давлат ихтисослашган ўрмон хўжалиги
22.	Оҳангарон	Тошкент вилояти	Пискент тумани	Тошкент давлат ўрмон хўжалиги

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 18 августдаги ПҚ–281-сон қарорига
3-илова

**2023–2024 йилларда балиқни саноат усулда етиштириш,
овлаш ва сув бўйи туризми масканлари ташкил этиладиган сув омборлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Сув омбори номи	Худудлар номи	Туман (шаҳар)	Балансда сақловчи
1.	“Андижон” сув омбори	Андижон вилояти	Хонобод тумани	“Ўзбекгидроэнерго” АЖ
2.	“Тўпаланг” сув омбори	Сурхондарё вилояти	Сариосиё тумани	
3.	“Оҳангарон” сув омбори	Тошкент вилояти	Оҳангарон тумани	
4.	“Зомин” сув омбори	Жиззах вилояти	Зомин тумани	Жиззах вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси
5.	“Қамаши” сув омбори	Қашқадарё вилояти	Қамаши тумани	Қашқадарё вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси
6.	“Чимқўрғон” сув омбори		Қамаши тумани	
7.	“Пачкамар” сув омбори		Ғузор тумани	
8.	“Чортоқ” сув омбори	Наманган вилояти	Чортоқ тумани	Наманган вилояти сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси
9.	“Хожикент” сув омбори	Тошкент вилояти	Бўстонлиқ тумани	“Чорвоқ ГЭСлар каскади” ДУК
10.	“Ғазалкент” сув омбори			

**2024 йилда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда балиқ етиштиришнинг
ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАРИ**

тонна

Т/р	Ҳудудлар номи	Жами балиқ овлаш	Шундан:						
			сунъий сув ҳавзаларида	табiiй сув ҳавзалари ва сув омборларда	қафас (садок) мосламасида	интенсив сув ҳавзаларида			Ёпиқ сув айланма тизими (УЗВ)да
						ярим интенсив	интенсив кичик сув ҳавзалари	аҳоли хонадонлари	
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	45 000	2 430	2 000		29 850	9 500	820	400
2.	Андижон вилояти	80 000	3 050			63 800	12 000	700	450
3.	Бухоро вилояти	40 000	100	1 500	120	17 250	19 410	770	850
4.	Жиззах вилояти	90 000	2 500	13 000	2 500	67 000	3 600	650	750
5.	Қашқадарё вилояти	40 000	300	1 550	2 300	24 000	9 870	1 080	900
6.	Навоий вилояти	45 000	1 050	7 500	3 000	20 500	10 050	1 300	1 600
7.	Наманган вилояти	90 000	6 140	710	1 515	72 700	6 040	1 100	1 795
8.	Самарқанд вилояти	40 000	210	1 050	920	23 000	10 768	2 266	1 786
9.	Сурхондарё вилояти	35 000	362	735	1 050	12 680	17 640	791	1 742
10.	Сирдарё вилояти	110 000	20 750	150		83 000	5 100	700	300
11.	Тошкент вилояти	90 000	6 200	300	1 640	71 000	6 670	1 300	2 890
12.	Фарғона вилояти	95 000	3 000	1 215	2 175	79 000	8 252	1 100	258
13.	Хоразм вилояти	100 000	6 500	1 150	80	81 000	10 000	1 000	270
Жами		900 000	52 592	30 860	15 300	644 780	128 900	13 577	13 991

**2024 йилда сунъий сув ҳавзаларини интенсивлаштириш бўйича
ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАР**

Т/р	Ҳудудлар номи	Интенсивлаштириш	
		майдони (гектар)	балиқ етиштириш ҳажми (тонна)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	1 700	25 500
2.	Андижон вилояти	3 400	51 000
3.	Бухоро вилояти	740	11 100
4.	Жиззах вилояти	3 800	57 000
5.	Қашқадарё вилояти	1 000	15 000
6.	Навоий вилояти	700	10 500
7.	Наманган вилояти	4 200	63 000
8.	Самарқанд вилояти	1 000	15 000
9.	Сурхондарё вилояти	500	22 500
10.	Сирдарё вилояти	5 000	52 500
11.	Тошкент вилояти	4 000	52 500
12.	Фарғона вилояти	4 500	67 500
13.	Хоразм вилояти	4 700	70 500
Жами		35 240	513 600

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2023 йил 18 августдаги ПҚ–281-сон қарорига
6-илова

**2024 йилда аҳоли хонадонларида интенсив усулда
балиқ етиштиришни йўлга қўйиш бўйича
ПРОГНОЗ ПАРАМЕТРЛАР**

Т/р	Худудлар номи	Аҳоли хонадонларида балиқ етиштириш	
		аҳоли сони (нафар)	балиқ етиштириш ҳажми (тонна)
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	500	650
2.	Андижон вилояти	600	750
3.	Бухоро вилояти	500	650
4.	Жиззах вилояти	490	630
5.	Қашқадарё вилояти	540	600
6.	Навоий вилояти	1 100	1 300
7.	Наманган вилояти	940	1 210
8.	Самарқанд вилояти	1 030	1 200
9.	Сурхондарё вилояти	400	500
10.	Сирдарё вилояти	600	750
11.	Тошкент вилояти	800	950
12.	Фарғона вилояти	900	1 050
13.	Хоразм вилояти	600	750
Жами		9 000	10 900

